Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 5 ноябрь пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 219 (2000)

## ПАСТДАРҒОМЛИКЛАР ЗАФАРИ

Пастдарғом тумани пахтакорлари зафар қучди. Улар уйган "оқ олтин" хирмони 21 минг 800 тоннадан ортди. Ҳозиргача тумандаги 28 хўжаликдан 20 таси режага қўшимча пахта топширмоқда.

Эришилган ғалабага "Янгиобод", Охунбобоев номли, Навоий номли, "Зарафшон", "Дўстлик", "Меҳнатобод", Бобур номли жамоалар салмоқли улуш қўшди.

Пастдарғомликлар яна минг тонна сифатли саноат хомашёси топширишга астойдил бел боғладилар.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАҲАЛЛА РУҲИ

*Кеча матбуотда Ўзбекистон Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ 1998 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан ноябрь-декабрь ойларида уларнинг сайловини ўтказишни ташкил этиш назарда тутилган.*

Бунга жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида қараш лозим. Зеро, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, юртимизда азалдан мавжуд бўлган, шу бугунгача сақланиб қолган ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотга – маҳалла тизимига, салоҳиятига катта аҳамият бериб келинмоқда. Бежиз эмаски, мустақилликдан кейин биринчилардан бўлиб, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (1993 йил, 2 сентябрь) Қонун қабул қилинди.

Президентимиз таъкидлаганларидек: **«Маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракати таркиб топиши, ижтимоий қадриятлар ҳурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидалари сақланиб қолди. Бу эса жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир».**

Маҳалла руҳи юртимиздаги ҳар бир фуқаро дилига сингиб кетган. Бугун ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда кўмаклашмоқда, ўз ҳудудларида ижтимоий, хўжалик вазифаларини ҳал этаяпти, оммавий-маданий тадбирларни ўтказмоқда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Президентимиз фармонлари ҳамда ҳукуматимизнинг, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликларнинг қарорларини бажариш йўлида фуқароларни бирлаштирмоқда.

Маҳалла фуқароларни бир оила қилиб жипслаштирмоқда. Бу халқимизнинг мустақилликни мустаҳкамлашдек буюк вазифани бажаришда, жамиятимиз тараққиётини таъминлашда катта имкониятдир.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган, муҳим масалага қаратилган Фармонида кўрсатилганидек, кейинги пайтда сал бепарволик қилингани оқибатида тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни ўтказишда кўп жойларда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўяётган, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаётган мансабдорлар, пулдорлар, соғлом турмуш тарзимизга доғ тушираётган шахслар пайдо бўла бошлади. Ушбу Фармон бундай салбий ҳолатларни тугатишда муҳим ҳужжат бўлди. Ҳозирги кунда маҳаллаларда ҳар қачонгидан ҳушёр туришга, истиқлолимизга гард юқтирмасликка чақирди. Ўзини ўзи бошқариш органлари бундай салбий ҳолатларни бартараф этишда катта масъулиятни ўз зиммасига олади, албатта.

Қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги асосий вазифалардан биридир. Қонунлар ижросини маромига етказишда ҳам маҳаллаларнинг ўрни сезилиб турибди. Чунки маҳаллаларда энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит мавжуд. Бу аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишга ҳам қулай шароит туғдирмоқда. Зеро, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантанаси ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий омилидир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керак, барча поғонадаги депутатларимиз ўз фаолиятларида маҳаллаларга суяниш билан бирга уларнинг ишида фаол иштирок этмоқдалар. Улар маҳаллалар ёрдамида халқимиз билдирган юксак ишончни оқлаш йўлида фаолият кўрсатяптилар. Бундан кейин ҳам депутатларимиз маҳаллалар нуфузини янада кўтаришда ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Маълумки, Конституциямиз ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ 1993 йил ноябрь ойида республикамизда халқ депутатлари собиқ қишлоқ, посёлка, овул кенгашлари ва маҳалла қўмиталари негизида фуқаролар йиғинлари ташкил этилиб, йиғин раислари ва уларнинг маслаҳатчилари 2,5 йилга сайланган эди.

1996 йил май-июнь ойларида уларнинг ваколатлари тугаганлиги муносабати билан навбатдаги сайловлар ўтказилди. Республикамизда жами 3920 нафар фуқаролар йиғини раислари сайланди. Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларининг раислари бошчилигида мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришда, демократик ўзгаришларни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ишончли ёрдамчи бўлдилар. Жойларда ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этишда, ободонлаштиришда, кам таъминланган ва муҳтож оилаларга ёрдам беришда уларнинг ҳиссаси катта бўлди. Бунда йиғин раисларининг 39 мингдан ортиқ маслаҳатчиларининг ҳам муносиб улуши бор.

Энди қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари тугаяпти.

**Юқорида биз тилга олиб ўтган Олий Мажлис Кенгаши қарорига мувофиқ халқимиз уларнинг ўрнига энг обрў-эътиборли, эл-юрт манфаати учун қайғурадиган, ақл-заковатли, кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган муносиб инсонларни ошкораликда, очиқ муҳокамада, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида сайлаши лозим. Таъкидлаб ўтишимиз лозимки, мустақил юртимизда сайловчи инсон учун Конституциямиз берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўзининг хоҳиш-иродасини тўла намоён этишга замин яратилган. Бу фуқаролар сиёсий савияси ўсишида, улар онгида адолатга ишонч пайдо бўлишида ғоят ижобий таъсир кўрсатмоқда.**

Халқимиз азал-азалдан ҳар бир ишни маслаҳат билан амалга оширади, бир-бирининг туриш-турмушидан бохабар бўлиб туради. Халқ кимнинг кимлигини жуда яхши билади.

Шу ўринда Амир Темурнинг бир ҳикматларига эътиборни қаратсак: «Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим. Кенгаш, маслаҳату машварат, қатъий қарор, тадбиркорлик, хушёрлик ва эҳтиёткорлик. Бу тўрт омил кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади», деб уқтиради соҳибқирон бобомиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш буюк бобомизнинг ушбу ўгитларига, халқимиз руҳиятига мос тушади. Бу сайловларни тарихий воқеа, деб баҳоласак, асло муболаға бўлмайди.

Ишонамизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислигига ва уларнинг маслаҳатчиси ўринларига катта ҳаёт тажрибасига эга, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи инсонлар номзодлари кўрсатилади. Улар халқ назаридан ўтиб, ишончни қозонадилар, эзгу мақсадларимизга етишишимизда камарбаста бўладилар, албатта.

# ТИББИЙ ХИЗМАТ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛСИН

*Хабар қилинганидек, 3 ноябрь куни Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган давлат Дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг, тиббиёт муассасалари ҳамда олий ўқув юртларининг раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.*

Кенгашда Республика Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова, соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримов Дастур лойиҳаси юзасидан ахборот бердилар.

Мамлакатимиз раҳбари кенгашни очар экан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда, бошқа соҳалар каби тиббиётни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаётганини таъкидлади. Қисқа фурсатда ўнлаб замонавий шифохоналар қуриб битказилди.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда республикамизда минглаб қишлоқ врачлик пунктлари, амбулаториялар фаолият кўрсатмоқда. Бу муассасалар замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган. Уларда малакали врачлар ва ҳамширалар меҳнат қилмоқда.

Амалга оширилган ишлар яхши, албатта. Аммо замон тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришни, аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини республикамиз ҳамда хорижий давлатларда эришилган ютуқ ва тажрибаларга таянган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларга мос тарзда ташкил этишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 12 июнда қабул қилинган Фармойишида республика соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, мазкур соҳани бошқариш, молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилишни таъминлайдиган давлат Дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган эди.

Дастурни тайёрлаш ишчи комиссияси беш ой давомида мазкур ҳужжатни ишлаб чиқди. Бу ишда комиссия аъзоларидан ташқари, соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар, касаба уюшмалари ходимлари ҳам фаол иштирок этди.

Бугун биз муҳокама қилаётган Дастур жуда муҳим ҳужжатдир, деди йўлбошчимиз. У жаҳон андозаларига мос бўлиши шарт. Шу билан бирга Дастурда миллий хусусиятлар, халқимизнинг бугунги ҳаёт тарзи ҳисобга олиниши лозим. Шундагина тиббиётда амалга оширмоқчи бўлган ислоҳотларимиз ўз самарасини беради.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа ҳақида гапирар экан, унинг ҳар бир банди аниқ, пухта бўлиши лозимлигини таъкидлади. Бу ишда таваккалчиликка йўл қўйиб бўлмайди, деди жумладан Ислом Каримов. Айрим МДҲ давлатларида шошма-шошарлик билан тиббий суғурта тизимига ўтилган эди. Бугун унинг қандай салбий оқибатларга олиб келганини эшитиб, билиб турибмиз.

Биз бирор тизимга ўтишдан олдин унинг оқибатини ўйлашимиз зарур. Токи кейин афсусланиб юрмайлик. Тиббий суғурта жуда мураккаб жараён. Бу тизимда инсон аввал ўз ҳаётини суғурта қилиб, пул тўлаб қўйиши керак. Шундан сўнггина унга тиббий ёрдам кўрсатилади. Биз бугун бу тизимга ўтишга тайёр эмасмиз. Сабаби, мамлакатимизда ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар анчагина. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисининг ойлик маошлари шаҳардагига қараганда нисбатан кам. Агар шошма-шошарлик билан яқин орада тиббий суғурта тизимига ўтсак, аҳолининг ана шу қатлами қийналиб қолади, уларда соғлиқни сақлаш ходимларига нисбатан ҳақли норозилик туғилади. Шунинг учун бу иш юртимизда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Мамлакатимизда ҳар бир инсон жамиятда тутган мавқеига, мансабига, пулига, бойлигига қараб эмас, эҳтиёжига қараб тиббий ёрдам олиши керак, деди Ислом Каримов. Врач ўз қабулига кирган беморга кимсиз, қаерда ишлайсиз деб эмас, балки сизни қандай дард безовта қилаяпти, деб мурожаат этсин. Бу тиббиёт ходимларининг ҳаёт тарзига айланиши керак.

Дастур лойиҳасида тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг касб маҳорати ва шахсий қобилиятларини муносиб тақдирлаш тўла акс этган. Бизда шу пайтга қадар тажрибали, фидойи врач ҳам, номигагина ишга келиб кетадиган шифокор ҳам бир хил маош олар эди. Энди ундай бўлмайди. Ҳар бир тиббиёт ходими ўз меҳнатига яраша рағбатлантирилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири соҳада рақобатни йўлга қўйишдир. Дастур лойиҳасида хусусий поликлиникалар, шифохоналарни, қишлоқ врачлик пунктларини босқичма-босқич очиш кўзда тутилган.

Бу тиббий хизмат бутунлай пуллик бўлади, дегани эмас. Биз халқимизнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари. Зеро, мамлакатимизнинг бозор иқтисодига ўтиш тамойилларидан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати юргизишдир. Ҳар бир шифохонада, поликлиникада 10-20 фоиз бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Бунга давлат кафолати берилади.

Албатта, соғлиқни сақлаш муассасаларини хусусийлаштириш ўз-ўзидан амалга ошадиган иш эмас. Бунинг учун вақт, маблағ керак. Дастур лойиҳасида хусусий тиббий муассаса эгалари икки йил давомида барча солиқлардан озод этилиши кўрсатилган. Шу фурсатда у ўзига керакли маблағни йиғиши, шифохона ёки поликлиникасини энг замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозлаб олиши лозим.

Лойиҳада тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Юртбошимиз бу борада ўз мулоҳазаларини билдириб, Дастурга қатор ўзгартишлар киритиш лозимлигини таъкидлади. Жумладан, барча тиббиёт билим юртларини коллежларга айлантириш зарур, деди Президент. Бу коллежларни битирган ёшлар яна уч йил тиббиёт олий ўқув юртларида билим олгандан сўнггина уларга ҳамширалик дипломи берилиши керак. Агар биз шунга эриша олсак, аминманки, тиббиёт муассасалари малакали ҳамшираларга эга бўлади.

Ҳозир республикамизда еттита тиббиёт институти фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўқитиш сифатини яхшилаш билан бирга, сонини ҳам кўпайтириш лозим. Вилоятларда малакали врачларга эҳтиёж катта. Пойтахтдаги тиббиёт олий ўқув юртларини битирган ёш йигит-қизлар эса юртимизнинг чекка туманларига бориб ишлашни унчалик хоҳлашмаяпти. Шунинг учун жойларда, ҳеч бўлмаганда, тиббиёт институтларининг филиалларини очиш лозим. Албатта, бунинг учун сармоя керак. Аммо тиббиётга маблағ ажратишда хасислик қилиш ярамайди. Чунки шифокорларимиз келтираётган фойдани маблағ билан ўлчаб бўлмайди. Шифохона ва клиникаларимизда ҳар куни қанчадан-қанча одамлар ҳаётга қайтаяпти, саломатликларини тиклаяпти. Туғруқхоналарда мамлакатимизнинг буюк келажагини яратадиган қанчадан-қанча гўдаклар дунёга келаяпти. Улар келтирадиган фойдани нима билан ўлчаш мумкин?

Кенгашда Ислом Каримов Дастур лойиҳасига тиббиёт ходимларининг муносабати билан қизиқди.

Албатта, бу ҳужжат барча шифокорларга ҳам маъқул келавермайди деди, жумладан юртбошимиз. Орамизда эскича кайфиятда юрган, юлғичлик, таъмагирлик касалига мубтало бўлган, ишлар яхши кетаяпти-ку, ислоҳотлар нега керак, дейдиган тиббиёт ходимлари ҳамон учраб туради. Ислоҳотлар уларга маъқул келмаслиги табиий. Чунки, Дастур ҳаётга татбиқ этилса, улар қинғир йўллар билан топаётган мўмай даромадларидан ажралиб қолишдан қўрқади.

Умуман, соғлиқни сақлаш масканларидаги аҳволни жиддий ўрганиб чиқиш вақти етди. Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш бепул. Лекин шифохона ва поликлиникаларда, қишлоқ врачлик пунктларида таъмагирлик, порахўрлик ҳоллари учраб турибди. Беморлар дори-дармон, шприц, ҳатто тўшакни ҳам ўз ҳисобидан олишаётгани сир эмас. Тезроқ бу каби иллатларнинг илдизини қирқмасак, тиббиёт масканларида тартиб ўрнатмасак, ислоҳотларни амалга оширишимиз қийин кечади.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Бу масала Дастур лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган. Қишлоқ жойларида ҳомиладор аёллар ва болаларга бепул хизмат кўрсатилади. Шунингдек, бу борада шаҳарлик болаларга ҳам турли хил имтиёзлар белгиланган.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон. Бунинг учун атроф-муҳитни тоза сақлаш, касалликларга қарши турли профилактика ишларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ жойларидаги спорт иншоотлари ёшларга бепул берилиши керак, деди Ислом Каримов. Умуман, ёш авлодни жисмонан соғлом тарбиялаш борасида алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Шунда биз кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизга замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш кўп жиҳатдан соҳани жаҳон андозалари ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишга боғлиқдир. Мазкур Дастур бу борада муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Кенгашда сўзга чиққанлар Дастур соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган биринчи галдаги вазифаларни белгилаб берувчи муҳим хужжат эканлигини таъкидладилар. Уни билдирилган барча таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда тезроқ ҳаётга татбиқ қилиш лозимлиги қайд этилди.

Кенгашда Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**
**(ЎзА)**





*Сахийлик бобида она заминимизга тараф йўқ. Деҳқонки умид билан унга уруғ қадар экан, ҳосилдан бебаҳра қолмайди.*

*Шу кунларда республикамизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Бахмал туманидаги «Деҳқонобод» ижара хўжалиги пайкалларида ҳам картошка ҳосилини йиғиш қизғин давом этмоқда.*

*Бу йил хўжаликнинг 103 нафар ижарачисига жами 0,3-0,5 гектардан ер бўлиб берилди. Улар ўзлари хоҳлаган картошка навидан сотиб олиб, деҳқончилик қилишди. Натижада эса режада мўлжалланганидан ҳам ортиқ ҳосил етиштирилди.*

**Суратларда: ижарачи-ишчи Хуршида Сафарова; ҳосилни йиғиштириш пайти.**

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

## Прокуратурада ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги Фармонининг бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларининг 1998 йилнинг тўққиз ойи давомида жиноятчиликка қарши кураш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти натижалари, шунингдек, прокуратура амалиётига оид айрим ҳужжатларни тартибга солиш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Шу юзасидан маъруза қилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. Эргашев бугунги кун прокуратуранинг ҳар бир ходими олдига катта вазифалар қўяётганини таъкидлади. Президентимизнинг Фармони юзасидан прокурорлар айниқса, шахсий намуна кўрсатишларини уқдирди. Дабдабабозликларнинг олдини олишда тушунтириш ишларининг афзалликлари устида тўхталди.

Ҳайъат мажлисида Фарғона, Қашқадарё вилоятлари прокуратурасининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини ялпи текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботлар тингланди. Фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б.Мустафоев бошқарди.

Мажлис сўнггида прокуратуранинг мазкур Фармон талабларидан келиб чиқадиган вазифалари белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТУЗИЛДИ

Мамлакатимизда улуғ бобокалонимиз, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланди. Юбилей муносабати билан аллома абадий қўним топган Челак тумани Хартанг қишлоғидаги қадамжода улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, у бутун дунёдан ташриф буюрадиган зиёратчилар учун муборак масканга айланди. Юбилейга тайёргарлик жараёнида ал-Бухорий ҳаёти ва илмий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, кенгроқ тарғиб этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ўқув юртлари ҳамда алоҳида шахслар жамоатчилик халқаро жамғармасини ташкил этиш таклифи билан чиқдилар. Бугун ушбу эзгу ният амалга ошди.

Тошкентда Имом ал-Бухорий жамоатчилик халқаро жамғармасининг таъсис мажлиси ўтказилди. Унда жамғармани таъсис этаётган вазирлик ва идоралар, қўмита ва компаниялар, жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар раҳбарлари қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев бошқарди.

Таъкидландики, мазкур жамғарманинг асосий мақсади ислом оламининг улуғ мутафаккири, ҳадис илмининг султони — Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, аллома номи билан боғлиқ маданий ва тарихий ашёларни тўплаш, унинг ижодига мансуб асарлар ва қўлёзма манбаларни излаш ва чоп этиш, халқ ўртасида тарғиб қилиш, улардан ёшларни миллий ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланишга кўмаклашишдан иборат. Жамғарманинг молиявий манбалари мамлакатимиз ва чет эл фуқароларининг, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳамда хорижий корхона ва идораларнинг, диний ташкилотларнинг кўнгилли бадаллари, хайр-эҳсонларидан, шунингдек, жамғарманинг хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган маблағлардан таркиб топади.

Таъсис мажлисида янги жамғарманинг Низоми қабул қилинди, шарқшунос олим З.Мунавваров жамғарма бошқаруви раиси этиб сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мансуров, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Бухоро вилояти хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг тўй-ҳашам ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйилишига барҳам беришга оид Фармонининг ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова пленумда сўзга чиқиб, тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ихчам ва намунали ўтказилишини таъминлашда хотин-қизлар қўмиталари ва фаолларининг вазифаларига батафсил тўхталди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Когон шаҳар шифохонаси бош врачи бўлиб ишлаб келаётган М.Содиқова вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси — вилоят ҳокимининг ўринбосари этиб сайланди.

Пленумда вилоят ҳокими С.Ҳусенов сўзга чиқди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Тожикистон Республикасидаги вазият муносабати билан БАЁНОТИ

Қатор ахборот агентликлари маълумотларига кўра, турли қуролли гуруҳларнинг хатти-ҳаракати натижасида Тожикистоннинг Ленинобод вилояти маркази — Хўжанд шаҳрида вазият ўта кескинлашган. Қурбонлар бор.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳукумати Тожикистон ҳукуматининг Президент И.Раҳмонов раҳбарлигида "Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувлик ўрнатиш ҳақидаги умумий битим"га мувофиқ, тинчлик жараёнларини амалга ошириш борасида тутган йўлини қўллаб-қувватлашини билдириш ваколатини олган.

Ўзбекистон ҳукумати тинчлик жараёнларининг муқобили йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай қуролли чиқишларга тинчлик жараёнларига қаршилик қилувчи, шу билан бирга ўта ғаразли ва уруғ-аймоқчилик манфаатларини кўзловчи кучлар ҳаракати деб қаралмоғи керак.

Бугун тинчлик жараёнларини ана шундай хатти-ҳаракатлари билан қўпоришга уринаётганлар Ўзбекистон Тожикистоннинг энг яқин қўшниси сифатида бу мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликдан бошқалардан кўра кўпроқ манфаатдорлигини, бу йўлда зарур ёрдам беришга тайёр эканлигини, Тожикистон раҳбарияти тутаётган йўлни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверишини қатъий англаб олмоғи лозим.

**Тошкент шаҳри,**
**1998 йил 4 ноябрь.**

ТАШАББУС, ТАКЛИФ

# ПОК ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ

**«Огоҳ бўлинглар, вужудда шундай бир гўшт парчаси борки, агар у соғлом бўлса, бутун вужуд соғломдир, агар у бузилса, бутун вужуд бузулур. Бу – қалбдир».**

Кейинги вақтларда ушбу Ҳадиси шарифда айтилганидек, диллари бетоб, бирор амалга тайин этиб қўйилган, унга шу амалдан ризқу насиба етиб турганига қарамай, бундан зиёда нарсаларга қўл уриб, ўзлаштириб ушланмаган ўғрига айланган, билиб туриб гуноҳга ботган кимсалар тоифаси жамиятимизга оралаб қолган эди. Улар авжига чиқа бошлаган, ўзларининг номукаммал одам эканликларини беҳаёларча ошкор этиб, шуҳратпарастликлари, манмансирашлари билан кенг жамоатчиликнинг пок дилини оғритаётган, нафратини қўзғатаётган эди. Булар ўзларининг меъёру мезондан чиқиб қилаётган тўй-томошалари, маъракаю маросимлари, исрофгарчиликлари, қисқа умрларига минг бало орттириб, ҳашаматли, ҳавойи ҳаваслари билан нафақат ўзларига нисбатан, ишонган тоғларию едирган оғизларига, алданган кафилларигаю суянган «устоз»ларига, наслу насабларига нисбатан ғазаб, ишончсизлик уруғини сочиб, адолатга, ҳақиқатга соя сола бошлаган эдилар. «Куч – адолатдадир!», деб таъкидлаган Амир Темурнинг даъватига содиқ, ҳамиша огоҳ Президентимиз ҳар галгидек ўз вақтида, бу яра ҳам газак олмасдан, унинг илдизини қирқди, кенг халқ кўнглидаги Фармонни эълон қилди. Жамоатчиликнинг озор чека бошлаган дилига малҳам қўйди.

Ҳақиқат, адолат, баркамоллик, руҳий поклик – қалбнинг сиҳат-саломатлиги меваси. Асл зотида иллат баҳонаси йўқ, илмига амал қилган, уққан, ҳалол меҳнат қилиб ризқу рўз топган, ўйлаб иш, кенгашиб тўй қиладиган одамга ҳеч кимса монеъ эмас. Ўз нафсини тарбиялаб софликка етишган киши фақат нажот топади. Қалби ҳузурда, уйқуси тинч, оғирликларни сезмай яшайди.

Бунинг учун ҳар бир нарсада жамоатчилик амридан чиқмаслик жоиздир. Афсуски, кўп ҳолларда бу талабга ҳаммамиз бир хил эмас, айри-айри амал қиламиз. Ҳар ким ўз иродаси, ҳамёни, завқига уйғун тарзда ёндашади. Ачинарлиси, диққат қилишимиз лозим бўлган жиҳати шундаки, Фармонда қайд этилганидек, айримлар мавжуд тартиб-қоидаларни мақсадлари йўлида, шахсий манфаатларига қурол қилиб оладилар.

Шундай шароитда, биринчи навбатда ҳаммага баробар ҳисобланган маҳалла раиси бошлиқ тўй ва маросимлар кенгаши аъзолари умумий қоидаларга оғишмай амал қилишни қатъий талаб этишлари жоиз.

Маҳалла маслаҳатини менсимаган амалдор, пулдор ўзидан кўрсин, Фармоннинг учинчи бандига оғишмай таяниб иш кўравериш керак. Токи, бирники мингга, мингники туманга доғ туширмасин, бундай хунук одатларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг ўзбошимчалиги, худбинлиги, жамоат фикри билан ҳисоблашмаслиги, номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳитнинг бузилишига сабаб бўлмасин, оддий, камдаромад, ҳалол, холис одамларнинг нафсо-ниятларига тегмасин, уларнинг адолатга, ҳақиқатга, умуман, давлат ҳокимиятига бўлган ишончига зиён етказмасин.

Ўзини билган, амалдор бўлса ҳам барча қатори бир бандаи мусулмон эканлигини юракдан ҳис этган раҳбар ходимларнинг тўйхоналарга келиб, эл қатори бир сафда ўтириб, мамнун кетаётганлари гувоҳимиз. Лекин кўпчилигимиз ўрганиб қолганмизми, тўй, маърака бўлса, албатта, «айрим» одамлар учун алоҳида хона, алоҳида дастурхон қилиб қўямиз. Нега? Бунга бош-қош бўлган айрим маҳалла оқсоқоллари, тўй-маърака мутасаддилари бепарво. Келинг, нима зарарли ва нима фойдали, эътибор қилайлик. Шунда ҳамма жойда софлик, адолат ва порлоқлик қарор топади. Ҳақиқат юзага чиқади.

Билиму тажрибани, амалиёт ва ихлосни ҳамжиҳат жорий этиш жуда зарурга ўхшайди. Агар шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, сўздан ишга ўтолсак, марра бизники. Тўй-маъракаларни ихчам, исрофга йўл қўймай ўтказиш орзу бўлиб келаяпти, деган ўкинч, таъна-тазарруларидан холи бўламиз. Зеро, бунга эришиш учун истиқлол шарофати билан ҳамма имкониятлар эшиги кенг очиб берилган.

Биргина мисол. Қизил империя тузумида, ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни, ота-боболаримиздан қолган расм-русумларни, муқаддас анъаналаримизни кўнгилдагидек ўтказа олмасдик. Даҳрийлик сиёсати, динга қарши очилган беаёв кураш ҳамма нарсани кемтик қилиб қўйган эди. Конституциямиз, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун доимий эътиқодга эмин-эркин амал қилиш ихтиёрини берган даврда, нега унга амал қилмаймиз? Маъракаларни ўтакетган даражада дабдабали ўтказамиз. Динимизнинг муқаддас китоби Ҳадиснинг ўзи айтиб турибди: «Кимки бошига мусибат тушган одамдин ҳол сўраб таъзия билдирса, ўша мусибатли одамга бериладиган савоб миқдоридаги савобга эга бўлади». Ахир, айтилмаяпти-ку қозон-қозон ош дамланса, оқ дастурхон ёзиб, стол сингудек қилиб ясатиб, таниш-нотаниш одамларни ялписига «хат ёзиб» таклиф этиб... савобга дохил бўлинади, деб. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг меъёрий Фатвоси ҳам мавжуд. Қайдам, фатво чиқариш билан бирга, унинг ижроси йўлида янги ёндашувлар керакмикан...

Энди амалиёт муаммоларига келсак. Ҳаётимизда жойларда янги, намунали ечимлар ҳам кўп. Айтайлик, яқинда мен Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Бўстон» маҳалласининг раиси, фахрий педагог Абдусамат Отаметов, Собир Раҳимов туманидаги «Чимбой» маҳаласининг раиси, ёш олим Мирсолиҳ Даминов билан суҳбатлашиб, жуда қойил қолдим. Абдусамат Отаметов тўй қилиш ниятида маҳаллага маслаҳатга чиққан фуқаро Б. Умрзоқов ҳамда А. Баҳромов ва бошқа маҳалладошлари билан гаплашиб, келишиб, уларни тўй харажатларини қисқартириш, ихчам, аммо кўнгилли, ёдда қоладиган қилиб ўтказиш ҳисобидан кўчаларни асфальтлаштириб беришга кўндириптилар. Натижада маҳалладаги Ориф Отажонов, Т. Меҳмонов, ал-Хоразмий номидаги салкам икки километрлик кўчага асфальт ётқизилибди. Тўйчилар ҳам, маҳалла ҳам, аҳоли ҳам хурсанд. Ақл ёшда эмас, бошда деганларидек, Мирсолиҳ Даминов маҳаллага раис бўлгач, бошқарувнинг янги тизимларини жорий этиб, маҳалла ҳисобига анча маблағ туширибди. Унинг ҳисобидан кам даромадли оилаларнинг уй-жойини таъмирлаб, кўчаларни ободонлаштирибди.

Республикамиз миқёсида маҳаллалар фаоллари, раислари бош-қош бўлиб, тобида олиб борилаётган бу каби намунали ишларни кўплаб топиш мумкин.

Айни вақтда эътибор қаратилиши лозим бўлган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биринчи навбатда сарф-харажатни беҳуда кўпайтиришга, маҳалла ва четдан келадиган кишиларнинг тўй, маъракани ўтказишга мўлжалланган гузарлардаги тўйхоналарни, идиш-товоқларни, стол-стулларни ортиқча нархларда ижарага бериб, шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳолларига тезда чек қўйиш лозим.

Агар ушбу ва бошқа муаммолар ташвиқот, тарғибот, маслаҳатномалар қатори моддий таянч, амалий ечим ва тегишли назорат, янги тизим, чора-тадбирлар билан мустаҳкамланса, ҳар қандай шубҳа, гумон, ишончсизлик барҳам топиб, тўйлар, маросимларимиз гўзал ўтиши табиийдир.

Президентимизнинг тўй ва бошқа маърака, маросимлар тўғрисидаги янги Фармонини зўр қизиқиш билан кутиб олган элимиз йўлбошчимизнинг халқ дилини нақадар чуқур билишига гувоҳ бўлмоқда. Юқоридаги масалаларни барча мавжудотлар гултожи – инсон манфаатлари нуқтаи назаридан юксак даражада ҳал этишга нечоғлик катта эътибор бераётганликларидан мамнун бўлаётир.

**Расул РАҲМОНОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари.**





*Жорий йилда Фарғона вилояти «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси 375 минг тонна хомашё тайёрлашни режалаштирган. Бу ерда ўтган йилги пахта ҳосилидан 118 минг тоннадан зиёд тола олиниб, шундан 105 минг тоннаси хорижга – Италия, Англия, Швейцария, Корея, Ирландия, Россия, Чехия каби мамлакатларга экспорт қилинган эди. Ушбу бирлашмада бу йилги пахта ҳосилидан сентябрь-октябрь ойларида 30 минг тонна тола тайёрланди. Айни пайтда вилоятдаги 10 та пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятлари қошида 43 та қабул пунктлари мавжуд.*

**СУРАТЛАРДА: (чапдан) Қува пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти лаборатория ходими Матлуба Олимова, корхона тайёрлов бўлими мудири Шокиржон Эрматов ва лаборант Зиёда Ёдгорова ҳосил сифатини кўздан кечиришмоқда; «Ўзбекистон» пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятининг қабул пунктида иш қизғин.**

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЧИНОЗ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Бу йил мамлакат пахта хирмонига 18 минг тонна “оқ олтин” армуғон этиш ниятида меҳнат қилаётган Чиноз тумани деҳқонлари йиғим-теримни тобора авж олдирмоқдалар. Об-ҳаво инжиқликларига қарамай, ҳозиргача режадаги ҳосилнинг қарийб 90 фоизи саранжомлаб олинди. Айни пайтда туман хўжаликлари бирин-кетин маррага етмоқда. Собир Раҳимов номидаги хўжаликдан сўнг Амир Темур номли жамоа хўжалиги ҳам мажбурият ҳисобига пахта топшира бошлади. Давлатга 1.190 тоннадан зиёд қимматли саноат хомашёси етказиб берган мазкур хўжалик заршунослари далалардан яна 130 тонна ҳосил йиғиштириб олмоқчи. Айни кунларда туман пахтазорларида 12 минг нафарга яқин теримчи ва ҳашарчи меҳнат қилмоқда.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Самарқандлик пахтакорларнинг бу йилги ғайрат-шижоати ўзгача. Улар зафар марраси томон тобора яқинлашмоқдалар. Айни кунларда ҳам вилоятда йиллик режанинг бир фоизидан ошириб хомашё тайёрланмоқда. Пахтачи ва Нуробод туманлари нафақат вилоятда, балки республикада карвонбошилик қилаяпти. Улар сафига жомбойлик пахтакорлар ҳам қўшилишди.***

## ТАШВИҚОТ КУЧИ

Эришилаётган зафарлар омили дастлаб барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилганлигида бўлса, иккинчидан, мавсумга ҳозирликнинг кучайтирилганлиги, ва энг асосийси, меҳнатга муносабатнинг ўзгартирилганида. Вилоят ҳокимлиги пахтакорларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга меҳнат қилиш ва дам олиш учун шароитлар яратиб бериш билангина чекланиб қолмади. Йиғим-терим ишлари айни авжига чиққан паллада ҳокимлик қошида тарғибот ва ташвиқот гуруҳи ташкил этилди. “Нуроний” хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси Шакар Файзиев раҳбар бўлган ушбу гуруҳга “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими, республика ёшлари “Камолот” жамғармаси вилоят бўлими, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази вилоят бўлими, вилоят маданият ишлари бошқармаси ва яна бир қатор ташкилотлар раҳбарлари киритилди. Гуруҳ навбат билан туманларда, пахтакорлар ҳузурида бўлишди. Таниқли санъаткорлар, қизиқчилар пахтакорларга завқ-шавқ бағишлади.

Ҳокимлик қошида ташкил этилган бу гуруҳ хизматидан бугун барча туманлар пахтакорлари мамнун. Зафар маррасини эгаллаган хўжаликлар пахтакорлари эса гуруҳнинг ўзлари ҳузурига қайта ташриф буюришини исташаяпти.

Ҳа, бугун Самарқандда ҳамма пахтакор. Зиёли даъваткор сўзи билан, санъаткорлар ажойиб санъати билан вилоятнинг 250 минг тонналик хирмонининг барпо этилишига ҳисса қўшмоқда.

**А. САТТОРОВ.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Жомбой туманидаги «Гулистон», Ҳ. Низоматов номли ва «Ўзбекистон» хўжаликлари режага қўшимча пахта топшира бошлади. Гулистонликлар хирмонга 1 минг 316 тонна, низоматовликлар 1 минг 271 тонна, ўзбекистонликлар 985 тонна хомашё етказиб берди.

*Пайариқ туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги режани бажарди. Хўжаликда бу йил 700 гектар лалми майдонда пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 25 центнерни ташкил этди. Пахта йиғим-терими давом этмоқда.*

**(ЎзА)**

Қиш эшик қоқмоқда

***Халқимизда ёз ёпинчиғингни ташлама, қишда ўзинг биласан, деган мақол бор. Пахтакор тумани раҳбарлари бу ҳикматнинг маъносини яхши билишади. Лекин... Одатда қишга тайёргарлик ҳосил йиғим-теримининг авж палласига тўғри келади. Пахтанинг ташвиши билан қиш тараддудини унутишади. Туманда бу қусур яна такрорланмоқда.***

## МУОВИН НЕГА «УФ» ТОРТДИ?

Туман ҳокимининг ўринбосари З. Акажонов йигирма иккинчи сентябрда олинган тегишли ҳужжатни кўрсатди. Унда республика халқ хўжалигини 1998-1999 йилнинг қиш мавсумига тайёрлаш муносабати билан иссиқлик ва электр тармоқлари, қозонхоналар, коммунал, таъмирлаш-созлаш ташкилотлари ишчилари, мутахассисларини пахта теримига жалб этмаслик лозимлиги таъкидланган эди. Қолаверса, шу мазмунда Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам чиққан. Ҳоким муовини эса оғир «уф» тортиб, соҳа ходимлари пахта теримига сафарбар этилганлигини яширмади.

– Совуқ тушиб қолди, қиш остонада турибди. Буёғи нима бўлади? – деб сўрадик у кишидан.

– Билмадим, ака. Ёздаёқ бир ярим минг дона шифер, йигирма тонна битум, беш юз квадрат метр қора қоғозга буюртма берганмиз, лекин бугунгача ҳеч нарса ололганимиз йўқ.

Хўжаликлардаги қозонхоналар вайронага айланган. Аксарият мактаблар, болалар боғчалари, кўп қаватли турар-жой бинолари бир неча йилдан бери иситилмайди. Буям майлия, кўпгина бинолар томидан чакки ўтиб ётади. Ўзинг учун ўл етим, деганлари тўғри экан. Совуқ жондан ўтгач, одамлар чора ахтаришга мажбур. Ўтган қишда Аҳмад Яссавий номли мактабда шундай бўлди. Муаллимлар болаларга пахталик кийим кийиб келишни буюришди ва ҳар битта партага иккитаданмас, учтадан ўқувчини ўтказиб қўйишди. Синфхоналарда туника печ бўлсада, ўтин йўқ эди. Ўқувчиларга «уйларингдан ўтин опкелинглар», дейишди. Афсуски, бу ҳам иш бермади: ёнғин чиқиш хавфи туғилди.

Ҳоким муовини шифер, битум, қорақоғоз йўқ, деб қутилди. Баҳонадан осони йўқ-да. Амалий ишлар эса ғайрат ва ташкилотчилик билан рўёбга чиқади. А. Яссавий номли мактаб жамоаси қишда ҳокимликдан нажот бўлмагач, нима қилишди денг? Ҳашар уюштириб, мактаб томини сомонли лой билан сувашди. Энди бўлса, «эй Худо, ёмғир кўп ёғмасин-да», дея илтижо қилиб туришибди. Чунки, ёғингарчилик бўлса, ота-оналар пулига таъмирланган синф хоналари ичига чакки аралаш лой оқиб тушади-да. Бу ёғи яна бир дунё ташвиш...

Қишлоқни қўйиб турайлик, шаҳардаги тараддуд ҳам бизни қониқтирмади. Туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Турсунбой Жумамуродовнинг ҳасратини эшитинг:

– Э, нимасини айтасиз! Жамоамиз Пахтакор шаҳри ободончилиги, кўчаларни тозалаш ва ёритиш билан шуғулланади. Беш йилдан бери на бир метр сим, на битта чироқ олганимиз йўқ. Хизмат доирасига кирувчи майдон 310 гектар. Бу жойни тартибга келтириш учун юз йигирма нафар ишчи керак, биз эса атиги ўттиз икки кишимиз. Шуларнинг ҳам ярми пахтада. Кунига олтмиш тонна чиқинди ташиб чиқаришимиз зарур. Бу ўн икки марта транспорт қатнови, икки юз эллик литр ёқилғи сарфи дегани. Амалда эса бир йилга олти тонна ажратилган, бу кунига ўн саккиз литрдан тўғри келади. Ўн икки литр ёқилғи бир марта қатнашга етади. Бунинг устига кўп қаватли уйлардан иборат мавзеларнинг аҳолиси тартибсиз равишда товуқхона, молхона қуриб олишган. Осмондан икки томчи ёмғир тушса ариқлар тўлиб, ахлат уюмлари кўчаларгача чиқиб кетади. Бу ҳол на экология, на меъморчилик идораларини ташвишга солмаётгани қизиқ... Иш фаолиятимизни яхшилашга оид ҳисоб-китобларни чамалаб туман ҳокимлигига, вилоят ҳудудий коммунал хизмат бошқармасига тақдим этганмиз. Натижа эса...

Ким билсин, балки Турсунбой аканинг ташвишида жон бордир.

Аммо олма пиш, оғзимга туш, дея қўл қовуштириб ўтирган билан бирон нарса ўзгарадими? Ҳали ҳам кеч эмас. Қолган фурсатдан унумли фойдаланиб, мавсумга пухта ҳозирлик кўриш, мактаблар, тиббиёт муассасалари, уй-жойлар, болалар боғчаларини биринчи навбатда таъмирлаш диққат марказида бўлиши лозим. Зеро, қиш бепарволик ва лоқайдликни кечирмайди.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





## «Наврўз» чеварлари

*Янгийўл туманидаги «Наврўз» маҳалласи қошида «Ўткир» хусусий фирмаси ишга тушди. Фирма асосан тикув цехидан иборат бўлиб, маҳалладаги 30 га яқин аёлларни иш билан таъминлади. Фирмада қурилиш кийимлари, махсус қўлқоплар, ҳамширалар учун халатлар тикилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: сиз кўриб турган бу қизлар қисқа вақт ичида ўз касбларини пухта ўрганиб олдилар. Уларга тикувчилик сирларини Равил Фаттоев ўргатмоқда.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида*

## ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида жойлашган бир қанча болалар боғчаси ходимлари ойлик маошларини ўз вақтида ололмаётганликлари тўғрисида арзнома ёзишган эди. «Бу масалада раҳбарлар сансалорликка йўл қўймоқдалар, – деб таъкидлайди улар. – Мазкур боғчалар Сирдарё ГРЭСи ихтиёрида, лекин энергетиклар ойлик олишяпти, нега биз олмаяпмиз? Охири ҳокимга мурожаат қилдик. Кутинглар, масалани ҳал қиламиз, деган жавоб олдик. Ахир, қачонгача кутиш мумкин?»



Таҳририят ушбу муаммони ҳал этишни сўраб, Ширин шаҳар ҳокимлигига мурожаат этди. Яқинда ҳоким ўринбосари Н. Латипов имзо чеккан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, ҳукумат қарорига асосан ГРЭСга қарашли 7 та болалар боғчаси шу йилнинг бошларида шаҳар ҳокимияти балансига ўтказилган. Белгиланган тартибга биноан харажатларнинг 20 фоизи ҳокимият ҳисобидан, қолган 80 фоизи эса ГРЭС томонидан бўлиши керак. Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан ўз вақтида маблағ ажратилмаганлиги оқибатида ҳақиқатдан ҳам боғча ходимлари ўз вақтида ойлик маошларини ололмаганлар. Шаҳар ҳокимлиги бу масалада вазирликка бир неча маротаба мурожаат қилганидан сўнг ҳозиргача 4 ойлик маошлар тарқатилди. Яқин кунларда боғча ходимларининг ойлик маошларини тўлиқ бериш кўзда тутиляпти.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан эса тегишли маблағлар ўз вақтида ажратилмоқда. Бундан кейин ойлик маош беришда узилишларга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда. Бу ҳақда ариза муаллифларига тушунтириш берилди.

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»ГА 1999 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОКДА

«Ахбротнома»га йил бўйи обуна бўлиш мумкин. Аммо ҳозир унга обуна бўлишнинг айни пайти. Бунинг учун республикамиздаги исталган алоқа бўлимига мурожаат этиш кифоя.

«Ахборотнома»да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг айрим масалаларга бағишланган қарорлари мунтазам эълон қилиб борилади. Шу билан бирга амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларни ҳам «Ахборотнома» изчил бериб боради.

Бу айниқса вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари учун, мулк шаклидан қатъи назар, барча корхоналар ва ташкилотларнинг бошлиқлари ва мутахассисларига, иқтисодчилар ва ҳуқуқшуносларга ҳамда юридик билимга қизиқувчи барча муштарийларга бағоят керакли нашрдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси» ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида, бир жилдда чоп этилади.

**«Ахборотнома»нинг индекси 887 бўлиб, каталог бўйича баҳоси: бир ойга – 150 сўм, уч ойга – 450 сўм, олти ойга – 900 сўм, бир йилга – 1800 сўм.**

Ҳар бир алоқа бўлимида «Ахборотнома»га обуна бўлиш шартлари ҳақида янада муфассалроқ маълумотлар олиш ва обунани бетўхтов расмийлаштириш мумкин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

## (Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 1998 йил август ойи бўйича маълумот)

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Хорижий валютада операциялар ўтказиш учун тижорат банкларига лицензиялар бериш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган*.*

***1998 йил 3 августда 463-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

2. Алмаштириш шохобчалари тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 3 августда 464-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

3. Экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 3 августда 465-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

4. Очиқ валюта мавқеини олиб бориш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 3 августда 466-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

5. Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операциялар ўтказиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 3 августда 467-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

6. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта қимматликлари билан касса ишларини юритиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 3 августда 468-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

7. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг сифатий, иқтисодий ва баҳоланиш қийматини аниқлашнинг вақтинчалик услуби. *ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Геодезкадастр билан келишилган.*

***1998 йил 3 августда 469-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

8. Корхона, муассаса ва ташкилотлар сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг амалдаги ҳажмидан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибига 1-сонли қўшимча. *ЎзР Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 6 августда 311-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона назорати зоналарини тузиш тартиби. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 8 августда 470-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сонли буйруғига қўшимча киритиш тўғрисида 1998 йил 26 июндаги 79-сонли буйруғи. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 8 августда 338-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

11. Юридик ва жисмоний шахсларнинг саноат мулкидан фойдаланганлари учун даромад (фойда) миқдорини аниқлаш ва даромад (фойда) солиғидан озод этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

***1998 йил 10 августда 471-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

12. "Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузилган экспорт контрактларини (шартномаларини) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш тартиби"га 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.*

***1998 йил 11 августда 421-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

13. "Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўз эҳтиёжлари учун импорт қиладиган маҳсулотларни аниқлаш қоидалари"га 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.*

***1998 йил 11 августда 423-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

14. "Импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш тартиби"га 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.*

***1998 йил 11 августда 424-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

15. "Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати"га 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.*

***1998 йил 11 августда 428-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

16. Товарлар ва ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида эркин муомалага чиқариш учун божхона расмийлаштируви тартиби. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.*

***1998 йил 11 августда 472-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

17. Санация қилинаётган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартиби. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси билан келишилган.*

***1998 йил 14 августда 473-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

18. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоботи миллий стандарти. БҲМС-1 "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот". *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 14 августда 474-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

19. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 14 августда 475-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

20. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома"га 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 14 августда 379-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини амалга оширaётган суғурта ташкилотларини қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 18 августда 476-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

22. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 19 августда 477-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

23. Банкрот деб эълон қилинган корхонани тугатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиби. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 19 августда 478-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

**** Меъёрий ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилмоқда. 1998 йилнинг 1 июлига қадар қабул қилинган ва амалда бўлган ҳужжатлар ҳажмининг кўплиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ушбу санагача қабул қилинган ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар ўз кучини сақлаб қолади ва бажарилиши шарт. Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тақдим қилиниши бўйича давлат рўйхатидан ўтказиб борилади.***

24. Корхоналарнинг мониторинги ва молия-хўжалик фаолияти таҳлилини ўтказиш тартибига 1-сонли қўшимча. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 19 августда 442-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

25. "Ўзбекнефтегаз" Миллий корпорациясига корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларидан тўлов маблағларини навбати билан ўтказишнинг вақтинчалик тартиби (1998 йилнинг 1 сентябридан кучга кирди). *ЎзР Марказий банки, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Давлат солиқ қўмитаси, Ўзсаноатқурилиш банки, "Ўзбекнефтегаз" миллий корпорацияси билан келишилган.*

***1998 йил 20 августда 479-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

26. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан чиқариладиган алкоголли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркалаш тартиби. *Ўздавстандарт томонидан тасдиқланган ва "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Давлат белгиси" Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси билан келишилган.*

***1998 йил 24 августда 480-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

27. Контрактларнинг мустақил экспертизасини ва импорт қилинаётган товарларни жўнатиш олди назоратини амалга оширувчи консалтинг фирмаларини аккредитация қилиш тартиби. *Ўздавстандарт томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 25 августда 481-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

28. Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида кредит тармоқларини очиш орқали ўрта ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш тартиби. *ЎзР Марказий банки, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.*

***1998 йил 25 августда 482-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

29. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоботи миллий стандарти. БҲМС-2 "Асосий хўжалик фаолияти даромадлари". *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 26 августда 483-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

30. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоботи миллий стандарти. БҲМС-3 "Молиявий ҳисобот натижалари". *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 26 августда 484-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

31. Корхоналарни санация қилиш жараёнида мониторингни амалга ошириш тартиби. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 28 августда 485-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

32. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоботи миллий стандарти. БҲМС-4 "Товар-моддий захиралар". *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 28 августда 486-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

33. Ўзбекистон Республикасида уйда ишловчилар меҳнатини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси билан келишилган.*

***1998 йил 28 августда 487-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

34. Ўзбекистон Республикасида даврий матбуотни тарқатиш қоидалари. *ЎзР Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган.*

***1998 йил 28 августда 488-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

35. "Республика хўжалик юритувчи субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба корхоналар, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборларини очиш тартиби тўғрисида"ги низомга 1-сонли ўзгартириш. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.*

***1998 йил 29 августда 440-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

### II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:

1. Импорт қилинадиган товарлар ва ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона расмийлаштируви тартиби. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган.*

***1998 йил 11 августдан чиқарилди. (1998 йил 8 апрелда 427-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.)***

Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат янги меъёрий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.

### III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш, ҳужжатларнинг айланиши, ҳисоблаш ва юк ташиш бўйича ҳисоботларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан тақдим этилган* (ҳужжат бўйича тегишли хулоса берилди).

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарорини бажариш чоралари тўғрисида"ги 1998 йил 3 мартдаги 49-сонли буйруғи. *ЎзР ИИВ томонидан тақдим этилган.*

3. Дилер ва инвестор ўртасида қисқа муддатли давлат облигациялари бозорида хизмат кўрсатиш бўйича тузиладиган намунавий шартнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

4. Тижорат банкларининг ички назоратини ташкил этиш бўйича тавсиялар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

**Ушбу ҳужжатлар умумий мажбурий тусга эга эмас. Улар ички идоравий тусга эга бўлганлиги сабабли, ушбу идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

### IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. "Йўқ қилиш" божхона режими тўғрисидаги низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

2. Бож олинмайдиган савдо дўконлари тўғрисидаги низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

3. Уран рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини тугатиш, консервация ва йўналишини ўзгартириш тўғрисидаги санитария қоидалари. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

4. Божхона қонунчилигига тўлиқ риоя қилиш, божхона тўловларининг тўлиқ ундирилишини таъминлаш ва тўловлар механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги фармойиш. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

5. "Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома"га 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Ўзбекистон Республикаси очиқ конларидан қазилмалар олиш ҳамда очишни аниқлаш ва назорат қилиш бўйича соҳалараро йўриқнома. *ЎзР Давконтехназорат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички ишлар органларида ва ички қўшинларида ҳарбий-тиббий экспертиза ва тиббий гувоҳлантириш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 1997 йил 23 декабрдаги 245-сонли буйруғи. *ЎзР ИИВ томонидан тақдим этилган.*

8. "Давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби"га 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

9. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан транспорт воситаларини олиб ўтиш тартиби. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

10. Иш ва хизматларни экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

11. Республика йўл жамғармасига ўтказиладиган ажратмаларни ҳисоблаш. "*Ўзавтойўл*" *Давлат акциядорлик концерни томонидан тақдим этилган.*

12. "Божхона омбори" божхона режими тўғрисидаги низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

13. Очиқ конлардаги бортлар, қияликлар, ағдармалар, тўкималарнинг шакл ўзгаришларини кузатиш ва уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома. *ЎзР Давконтехназорат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

14. Жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган хусусий қурилиш объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, рўйхатга ва ҳисобга олиш тартиби. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

15. Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

16. Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларнинг малака аттестациясини ўтказиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини амалга ошириш бўйича талаблари тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

18. Тижорат банклари ва уларнинг бўлимлари томонидан ташкил қилинадиган ссуда йўқолиши мумкин бўлган ҳоллар бўйича захира тузиш ва фойдаланиш, даромадлар сифатини таснифлаш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

19. Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

20. Банклар устидан васийлик қилиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий банклар ваколатхоналарини очиш, рўйхатга олиш ва аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

22. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

23. Банк устав капитали миқдорининг ва акциядорлар таркибининг ўзгариши тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

24. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни узоқ муддатли кредитлашни ташкил этиш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

26. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

27. Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитлашни ташкил этиш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

28. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

29. Хориждан маблағ жалб қилиш ва капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ бошқа валюта операцияларини бажариш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

30. Чет элда ҳисоб рақамларини очишга рухсатномалар бериш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

31. "Ўзавтотранс" корпорацияси корхоналари томонидан кўрсатиладиган транспорт хизматлари учун резидент бўлмаганлар томонидан ҳақ тўлаш тартиби бўйича кўрсатма. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

32. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари ҳисоботларини матбуотда чоп этиш учун қўйиладиган талаблар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

33. Руда ва концентратларни бўлаклаш ҳамда фойдали қазилмаларни майдалаш, бойитиш, саралаш вақтида хавфсизлик қоидалари. *ЎзР Давконтехназорат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

34. Банк муассасаларида фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни бухгалтерия ҳисоботи рақамларида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

35. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

36. Шифобахш минерал сувларни қазиб чиқариш ва чиқиш жойларини муҳофаза қилиш қоидалари. *ЎзР Давконтехназорат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

37. Жамоат бирлашмалари ва жамғармалари мулкчилигидаги корхоналарга солиқ солиш тўғрисидаги тушунтириш хати. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

38. Технологик ускуналар таркибига кирувчи товарларнинг тахминий рўйхати. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

39. Маиший хизмат вазирлиги корхоналарининг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими. *ЎзР Маиший хизмат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

40. Ишлаб чиқариш корхоналари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари. *ЎзР Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан тақдим этилган.*

41. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валюта билан касса операцияларини юритиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

42. Ўзбекистон Республикасининг банк муассасаларида пул муомаласи ишларини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

43. Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

44. Қайта молиялаш бўйича кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

45. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобни юритиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

46. "Банк-Мижоз" мажмуи дастуридан фойдаланиш орқали ҳисоб-китобларни ўтказиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

47. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг депозит сертификатларини чиқариш, хизмат кўрсатиш ва муомалада юритиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

48. Қимматли қоғозлар бланкларини чиқариш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

49. Банкларнинг оддий векселини чиқариш ва муомалада юритиш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

50. Тижорат банкларида қисқа муддатли давлат облигациялари билан операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобининг вақтинчалик тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

51. Ўзбекистон Республикасининг қисқа муддатли давлат облигацияларини чиқаришнинг асосий шартлари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

52. Банкларнинг ишлатилган ва бузилган оддий вексель бланкларини йўқ қилиш тўғрисидаги вақтинчалик низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

53. Қисқа муддатли давлат облигацияларини муомалага чиқариш ва улар бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

54. Ўзбекистон Республикаси банклари аудити тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

55. Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

56. "Нақд хорижий валютада операциялар бажариш қоидалари"га қўшимча. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

57. Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ботаник ва зоологик авлод ҳамда турларнинг давлат рўйхати. *ЎзР Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

58. Селекция ютуқларига талабномалар тузиш ва топшириш қоидалари. *ЎзР Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

59. Ўзбекистон Республикаси очиқ конларидан қазилмаларни қазиб олиш ҳамда уларни очишни аниқлаш ва назорат қилиш бўйича соҳалараро йўриқнома. *ЎзР Давконтехназорат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

60. "Ўзуйжойжамғармабанк" давлат-акциядорлик банки бўлимлари орқали уй-жой сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низом. *"Ўзуйжойжамғармабанк" давлат-акциядорлик банки томонидан тақдим этилган.*

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

### V. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоботи миллий стандартлари (жами 14 та меъёрий ҳужжат). (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хулосалари асосида қайта ишлаб чиқилган). *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

2. Ўзбекистон Республикаси банкларида банк рақамлари тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

3. "Реимпорт" божхона режими тўғрисидаги низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

4. Табиий монополиялар субъектлари томонидан асосий воситаларни лизинг асосида сотиб олиш, сотиш ёки бериш бўйича тузилган битимларни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

5. Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши лозим бўлган истеъмолчиларни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар. *ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

6. Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларнинг даромадларига (фойдасига) солиқ солиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

7. Ташқи савдога оид давлат ва божхона статистикаси маълумотларини тўплаш ва қайта ишлашнинг ягона услубиёти тўғрисидаги низом. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари иштирокидаги қўшма корхоналарда телекоммуникация тармоқлари ва воситаларини ишлатиш ва бошқаришда махфий режимни таъминлаш бўйича низом. *ЎзР почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

9. Ўзбекистон Республикаси санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиена меъёрлари. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган* (33 та ҳужжат).

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 майдаги 219-сонли қарори бўйича тушунтириш хати. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

11. Қимматли қоғозлар бозорида инвестицион институтлар фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

12. Қимматли қоғозлар бозорида касб фаолиятини амалга оширaётган инвестицион институтларнинг раҳбар ва мутахассислари, якка тартибдаги тадбиркорларнинг аттестацияси тўғрисидаги низом. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

13. Портлаш ёнғинидан хавфли кимё, нефть-кимё ва нефтни қайта ишловчи ишлаб чиқариш учун портлаш хавфсизлигининг умумий қоидалари. *ЎзР Давконтехназорат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

14. "Умумий фойдаланишдаги телефон тармоқларига муассасавий-ишлаб чиқариш автомат телефон тармоқларини улашнинг умумий тамойиллари" бўйича раҳбарий ҳужжат. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

15. Валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш учун юридик шахсларга лицензиялар бериш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

16. Аҳоли даромадларини фуқаролар омонатлари бўйича ҳисоб рақамларига нақд пулсиз ўтказиш бўйича операциялар бажариш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

17. "Давлат фойдасига воз кечиш" божхона режими тўғрисидаги низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

18. Очиқ конлардаги бортлар, қияликлар, ағдармалар, тўкималарнинг шакл ўзгаришларини кузатиш ва уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома (ЎзР Адлия вазирлиги хулосаси асосида қайта ишлаб чиқилган). *ЎзР Давконтехназорат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

19. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан санация қилинаётган қишлоқ хўжалик корхоналаридан бўшатилган ишчиларга кредит бериш тартиби бўйича вақтинчалик низом. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

20. Гаров шартномаларини тузиш ва тижорат банклари томонидан кредит бериш жараёнида гаров ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

21. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида эмиссия касса иши, пул тушумини инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

22. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларида касса бўлимларини лойиҳалаш ва қуришга қўйиладиган талаблар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

24. Банк муассасаларини қўриқлаш ва ёнғиндан хабар берувчи техник воситалар билан жиҳозлашга доир талабнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

25. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида консалтинг хизматларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

26. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларини ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш милиция бўлимлари томонидан қўриқлаш тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

27. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасига кредитлар бериш ва уларни қайтариш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

28. "Ўзмевасабзавот", "Ўзмевасабзавотузумсаноат", "Ўзгўштсутсаноат" давлат-акциядорлик компанияларининг ҳамда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси бўлинмаларининг шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжаликларидан қабул қилинган маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хизмат кўрсатиладиган корхоналар ва ташкилотларни қисқа муддатли кредитлашни ташкил этиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

30. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга ошириладиган операциялар ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида юбилей саналарига бағишланиб зарб қилинган олтин тангаларнинг ҳисобини юритиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

32. Тижорат банкларида юбилей саналарига бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

33. Ўзбекистон Республикаси банкларининг депозитлари тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

34. Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборот базаси тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

35. Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг талаби бўйича миллий ахборот базаси мижозларини қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

36. Автоматлаштирилган банк технологияси хизматидаги ахборотни муҳофаза қилиш ва ушбу қоидаларни бажаришда ҳисоб-китоб касса марказлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

37. Автоматлаштирилган банк технологияси тизимидаги ахборотни муҳофаза қилиш ва ушбу қоидаларни бажаришда тижорат банклари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.**

